

**“ТОШКЕНТ ДОН МАҲСУЛОТЛАРИ” АКЦИЯДОРЛИК  
ЖАМИЯТИДА ДАВР ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ  
ҚИЛИНИШИ**

**Исканов Холжигит Нуркосимович**

ТДИУ, Бухгалтерия ҳисоби ва  
ҳисоботи кафедраси доценти  
[iskanovxoljigit1966@gmail.com](mailto:iskanovxoljigit1966@gmail.com)

**Нуркосимова Суройё Холжигит қизи**

ТАФУ, Молия ва бухгалтерия  
ҳисоби кафедраси ўқитувчи  
[nurqosimovasurayyo98@gmail.com](mailto:nurqosimovasurayyo98@gmail.com)

Давр харажатлари деганда бевосита ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган харажатлар ва сарфлар тушунилади: бошқарув харажатлари, маҳсулотни сотиш харажатлари ва умумхўжалик аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар.

“Давр харажатлари”га қуидаги моддалар киради:<sup>1</sup>

- Сотиш харажатлари
- Маъмурий харажатлар
- Бошқа операция харажатлари
- Ҳисобот даврининг келгусида солик солинадиган базадан чиқариладиган харажатлари

Хўжалик юритувчи субъектларнинг сотиш харажатлари- товарларни темир йўл, ҳаво, автомобиль, денгиз, дарё транспортида ва от-уловда ташиш харажатлари. Ташиш харажатлари ҳамда транспорт воситалари бекор туриб қолганлиги учун тўланган жарималар киритилади.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари сотиш бўйича харажатлар, шу жумладан: маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни сотиш билан боғлиқ меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, маъмурий-бошқарув ходимларидан ташқари. Ижтимоий сугуртага харажатлар.

Савдо эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар, иншоотлар ва хоналарни ижарага олиш, сақлаш ва тузатиш харажатлари. Асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси.

Инвентарлар ва хўжалик буюмлари қийматини ҳисобдан чиқариш харажатлари ҳамда уларни белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқли ҳолатда сақлаш (таъмирлаш, ювиш, тузатиш, дезинфекция қилиш ва х.к.) билан боғлиқ бошқа харажатлар.

Газ, ёқилғи, электр энергияси харажатлари. Товарларни сақлаш, уларга ишлов бериш ва уларни сортларга ажратиш харажатлари. Савдо рекламаси харажатлари. Ташиш, сақлаш ва сотиш чоғида товарларнинг

<sup>1</sup> «Маҳсулот (иш, хизматлар)ни ишлаб харажатларининг таркиби тўғриси-да»ги Низом. ЎзР Президентининг 27.12.2005 й. ПҚ-244-сон карори

## **BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI**

йўқотилиши. Ўраш-жойлаш материаллари харажатлари. Мол-мулкни мажбурий ва ихтиёрий суғурта қилиш харажатлари. Мехнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги харажатлари. Вентиляторлар, машиналар ва уларнинг ҳаракатланувчи қисмларини ўрнатиш ва сақлаш, туйнуклар, ўйиқлар ва бошқаларнинг атрофини ўраш бўйича жорий (номукаммал тусдаги) харажатлар.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг маъмурий харажатлар- бошқарув ходимларига тегишли бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари. бошқарув ходимларига тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар. Хизмат енгил автотранспортига ва хизмат микроавтобусини сақлаш, ёллаш ва ижарага олиш харажатлари. Хўжалик юритувчи субъект ва унинг таркибий бўлинмаларини ташкил этиш ва уларни бюджетлаштириш харажатлари. Бошқарувнинг техник воситалари, алоқа узеллари, сигнализация воситалари, ҳисоблаш марказларини ва ишлаб чиқаришга тегишли бўлмаган бошқарувнинг бошқа техник воситаларини сақлаш ва уларга хизмат кўрсатиш харажатлари. Телекоммуникациялар хизматлари, шу жумладан: маҳаллий тармоқлар; каналларни ижарага бериш; кўчма, йўлдош ва пейжинг алоқа; радиочастота спектридан фойдаланиш; маълумотларни узатиш тармоқлари, шу жумладан Интернет учун ҳақ тўлаш.

Шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашувлари учун ҳақ тўлаш. Маъмурий-бошқарув эҳтиёjlари учун бинолар ва хоналар ижараси учун ҳақ тўлаш. Маъмурий аҳамиятга эга бўлган асосий воситаларни сақлаш ва уларни тузатиш, шунингдек, эскириш (амортизация) харажатлари. Юқори ташкилотлар ва юридик шахслар бирлашмалари: вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концернлар ва бошқалар харажатларига ажратмалар. Ходимларни ва ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган мол-мулкни мажбурий ва ихтиёрий суғурта қилиш харажатлари. Бошқарув ходимларини хизмат сафарларига юбориш бўйича харажатлар. Микдордаги вакиллик харажатлари. Умумий овқатланиш корхоналари ва бошқаларга биноларни текин бериш ва коммунал хизматлар қийматига ҳақ тўлаш харажатлари. Бевосита ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бўлмаган, табиатни муҳофаза қилиш аҳамиятига эга бўлган жамғармаларни сақлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ жорий харажатлар, табиий атроф мухитни ифлослантирганлик ва чиқиндиларни жойлаштирганлик учун компенсация тўловлари. Хизматлар қийматини тўлаш ҳамда профессионал бошқарувчи компаниялар, давлатнинг ишончли вакиллари ва ишончли бошқарувчиларнинг мукофотлари бўйича харажатлар.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг бошқа операция харажатлари - кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш харажатлари, янги ташкил этилаётган хўжалик юритувчи субъектда ишлаш учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бундан мустасно. Лойиҳа ва қурилиш-монтаж ишларида чала ишларни бартараф этиш харажатларини қоплаш, шунингдек, объект

## **BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI**

қошидаги омборгача транспортда ташиш чоғидаги шикастланишлар ва бузилишлар, коррозияга қарши химоя нуқсонлари туфайли келиб чиқкан тафтиш харажатлари (асбоб-ускуналарни қисмларга ажратиш) ва шунга ўхшаш бошқа харажатлар етказиб бериш ва ишларни бажариш шартларини бузган юридик шахслар ҳисобига мазкур харажатлар чала ишлар, шикастланиш ёки зарар кўриш учун жавобгар бўлган етказиб берувчи ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобига ундирилиши мумкин бўлмаган даражада амалга оширилади.

“Тошкентдонмаҳсулотлари” акциядорлик жамиятида давр харажатлари таркибиغا клритилади.

Счёtlар режасига биноан давр харажатлари куйидаги счёtlарда акс эттирилади:<sup>5</sup>

- 9410—"Сотиш харажатлари";
- 9420—"Маъмурий харажатлар";
- 9430—"Бошқа операцион харажатлар";

9440—"Келгусида соликка тортиладиган базадан чегириладиган ҳисобот даври харажатлари".

Низомга биноан сотиш харажатлари таркибиغا куйидагилар киритилади:

- темир йул, сув, автомобилларда ташиш харажатлари хамда транспорт воситалари бекор туриб колганлиги учун туланган жарималар;
- савдо ва умумий тижоратларининг харажатлари;
- маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни сотиш билан боғлиқ меҳнатга хак тулаш харажатлари (маъмурий бошқарув ходимларидан ташкари);
- уларнинг ижтимоий сугурта ажратматари;
- савдо эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар, иншоотлар ва хоналарни ижарага олиш, саклаш ва тузатиш харажатлари;
- асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси;
- санитария кийим-боши, лабратоя анжомларининг эскириши;
- газ, ёкилги, электр энергияси харажатлари;
- товарларни саклаш, уларга ишлов бериш ва уларни сортларга ажратиш харажатлари;
- савдо рекламаси харажатлари;
- ташиш, саклаш ва сотиш чогада товарларнинг норма доирасида ва нормадан ортикча йукотилиши;
- ураш-жойлаш материаллари харажатлари;
- мол-мулкни мажбурий сугурта килиш харажатлари;
- меҳнатни муҳофаза килиш ва техника хавфсизлиги харажатлари;
- вентиляторлар, машиналар ва уларнинг харакатланувчи қисмларини урнатиш ва саклаш, туйнуклар ва бошқаларнинг атрофини ураш буйича жорий харажатлар;

<sup>5</sup> УзР. Хужалик юритувчи субъектларнинг молиявий –хужалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счёtlарининг режаси ва уни куллаш буйича 21-БХМС 2003й

## **BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI**

- маҳсус кийим-бош ва лабаратория анжомларини тузатишга материаллар киймати;
- ходимлари тиббий куриқдан утказилганлиги учун тиббиёт муассасаларига ҳак тулаш ;
  - касса хужалигини ва тушум инкассациясини юритиш чикимлари;
  - сотиш бозорларшш урганиш буйича белгиланган нормативлар доирасида ва ундан ортига харажатлар (маркетингга, рекламага сарфланган харажатлар);
  - илгариги иш жой буйича лавозим оклад микдорини сакланган холда бошка ташкилотлар, корхоналардан, шунингдек, вактинчалик уриндошлиқ буйича ходимларга туландиган окладлардаги фарк.;
  - соликлар (ер учун мулк учун, автотранспорт воситалари учун);
  - умумий фойдаланишдаги автомобиль йулларини саклашга ва таъмирлашга ажратмалар;
  - банк хизматларига туловлар.

Юкорида келтирилган харажатлар 9410-"Сотиш буийча харажатлар" счётида ҳисобга олинади. Ушбу счёт транзит счёт булиб,<sup>6</sup> кайси давр булмасин унинг ой бошида колдик суммаси булмайди. Счётининг дебет томонида дори дармон товарларни сотиш билан боғлиқ булган харажатлар курсатилса кредит томонида ушбу харажатларни ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади. Бу сумма фойданинг камайишига олиб келади, яъни фонда ҳисобидан копланади.

9410-"Сотиш буийча харажатлар" счётнинг аналитик ҳисоби 15-сонли кайдномада харажатларнинг дебет ва кредит обороти курсатилади. Дебет оборотининг жами суммаси №1, 2, 7, 10/1-журнал ордерларда акс эттирилса, кредит буйича оборот суммалари эса № 11-журнал-ордерида акс эттирилади.

9430-Бошка операцион харажатларга куйидагилар киради:

- янги ташкил этилаётган корхоналарда ишлаш учун мутахассислар тайёрлаш ва уларни кайта тайёрлаш харажатлари, нормалар доирасида ва улардан ортиқча мутахассислар тайёрлаш хамда кайта тайёрлаш бундан мустасно;
- маслаҳат ва ахборот хизматларига ҳак тулаш;
- аудиторлик хизматларига ҳак тулаш , шу жумладан күшма кархоннинг катнашчиларидан (мулқдорлардан) бирининг ташаббуси буйича утказиладиган аудиторлик хизматларига ҳак тулаш;
- узининг хизмат курсатувчи ишлаб чиқаришларини асрардан курилган зарарлар;
- саломатликни муҳофаза килиш ва ходимларнинг ишлаб чиқариш жараёнида бевосита катнашуви билан боғлиқ булмаган дам олишларни ташкил этиш тадбирлари;
- компенсация ва рағбатлантириш тусидаги туловлар;

<sup>6</sup> Бобожонов.О. Молиявий ҳисоб-дарслик Тошкент-«Молия»-2002й

## **BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI**

- Ўзбекистон Республикаси хукуматининг қарорларига кўра компенсация тўловлари;
- бир йўла тўланадиган мукофотлар ва тақдирлашлар, шу жумладан объектнинг ўзининг қарорига кўра кунлик, йиллик хизмати учун ҳақ тўлаш (натурадаги тўловлар хам шу жумлага киради), шунингдек, улар буйича ижтимоий жамгармаларга ўtkazilgan суммалар;
- қонун хужжатларига ёки»Ўзданмаҳсулот»АК корхоналарнинг узининг қарорига мувофик, мажбурий ишга келмаган вақти ёки паст ҳақ тўланадиган ишни бажарганлик учун ҳақ тўлаш;
- вақтинча меҳнат лаёкатини йукотган тақдирда конун хужжатлари билан белгиланган, ҳакикий иш ҳаки микдоригача қушимча ҳақ;
- асосий иш жойи корхона ишчиларига, кархонаси ишчи ва мутахассисларига улар ишдан ажраган холда малака ошириш ва мутахассисларни кайта тайёрлаш тизимида укиган вактда иш ҳаки тулаш;
- икки ва ундан кўп болалари бўлган аёлларга конунчиликка мувофик, қўшимча меҳнат таътили ҳакини тулаш;
- ходимларга дорилар, бошка нарсаларни бепул бериш ёки ходимлар учун ишлар, хизматларни бажариш;
- ходимларнинг (овкатланиши, йул кираси, даволаниш ва дам олишга, экспурсия ва саёхатларга йулланмалари, спорт секцияларида, тугаракларда, клублардаги машгулотлари, маданий-кунгилочар ва жисмоний тарбия тадбирларига катнашиши, ходимларнинг шахсий обунаси ва истеъмоли хамда бошка шунга ухшаш толовлари) харажатларини коплаш;
- иш ҳакини ҳисоблашда ҳисобга олинмайдиган толовлар ва харажатлар;
- конунчиликка мувофик болани икки ёшга тулгунгача парвариш килиш буйича хар ойлик нафакани тулаш буйича харажатлар;
- пенсияларга устамалар, пенсияга чикаётган меҳнат фахрийларига бир йула тulanadigan нафакалар;
- амалдаги конунчиликка мувофик кушма корхонада уларнинг кайта ташкил этилиши ходимлар ва штатлар сонининг кискариши муносабати билан бушаб коладиган ходимларга толовлар;
- ходимларга тulanadigan моддий ёрдам;
- согликни саклаш объектлари;
- вақтинча тухтатиб куйштган ишлаб чикириш кувватлари ва объектларини саклаш харажатлари (бошка манбалар ҳисобига копланадиган харажатлардаи ташкари);
- банк ва депозитарий хизматларига толовлар;
- экология, согломлаштириш на бошка хайрия жамгармаларига, маданият, согликни саклаш, ижтимоий таъминот, жисмоий тарбия ва спорт муассасалари ва ташкилотларига бадаллар;
- бюджетга мажбурий толовлар, соликлар, йигимлар. амалдаги конунчиликка мувофик туланалиган ва кушиладиган маҳсус бюджетдан ташкари жамгармаларга ажратмалар;
- зарарлар, жарималар пенялар:

## **BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI**

- бекор килинган ишлаб чикариш буюртмалари буйича йукотишлар;
- моддий бойликларнинг табиий йуколиши нормалари доирасидаги ва нормаларидан купрок бевосита ишлаб чикариш жараёнига тегишли булмани йукотишлар хамда камомадлар;
- ишлаб чикариш захираларини ва тайёр маҳсулотни энг паст баҳолаш усули ёки сотишнинг соф киймати буйича кайта баҳолаш ёки баҳосини пасайтириш натижасидаги заарлар;
- идишларга доир муомалалар буйича заарлар:
- суд харажатлари;
- туланиши шубхали карзлар буйича захирага ажратмалар;
- конунчиликка мувофик даъво билдириш муддати утган ва ундирилиш нореал булган бошкалар буйича дебиторлик карзларни ҳисобдан чикаришдан курилган заарлар, шунингдек конунчиликка мувофик юридик ва жисмоний шахслар билан ҳисоблашишлар буйича туланиши шубхали карзларни ҳисобдан чикаришдан курилган чорарлар;
- ҳисбот йилида анкланган утган йиллар опсрациялар буйича курилган заарлар;
- табиий оғатлар (ишлаб чикариш захирлари тайёр маҳсулотлар ва бошка моддий бойликларнинг нобуд булиши ва бузилиши, ишлаб чикаришни тухтатиш на бошкалар туфайли йукотишлар) туфайли курилган копланмайдиган йукотишлар ва заарлар. шу жумладан табиий оғатлар оқибатларининг олдини олиш ёки оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ харажатлар;<sup>7</sup>
- айбдорлари аникланмаган камомаллардан ёки айбдор томон ҳисобидан зарур суммани ундириш мумкин булмаган холларда курилган заарлар.

3-

жадвал

Давр харажатларини ҳисобга олувчи счётларнинг боғланиши

Т/р	<b>Хўжалик муомалаларининг мазмуни</b>	<b>Счётларнинг боғланиши</b>	
		<b>Дебет</b>	<b>Кредит</b>
1	Маҳсулотларни жўнатиш бўйича транспорт харажатлари	9410	6990
2	Четдан реклама ва маркетинг хизматлари	9410	6010
3	Савдо жараёнида ишлатилаётган асосий воситаларнинг эскириши	9410	0210-0299
4	Савдо жараёнида ишлатилаётган номоддий активларнинг эскириши	9410	0510-0590
5	Бошқарув ходимларининг меҳнат ҳақи харажатлари	9420	6710
6	Бошқарув аҳамиятига молик асосий воситаларнинг эскириши	9420	0210-0299

<sup>7</sup> Маҳсулот (иш хизмат)ларни ишлаб чикариш ва сотиш харажатларнинг таркиби ва молиявий натижаларни шакиллантириш хакида. Низом.Тошкент 1999й. 2003й янги таҳрир.

**BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI  
TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI**

7	Бошқарув биносининг ижара тўлови	9420	6910
8	Бошқарув эҳтиёжлари учун материаллар сарфланди	9420	1010-1090
9	Транспорт корхоналарининг хизмати	9420	6010
10	Хизмат сафарлари ва вакиллик харажатлари	9420	4220, 4230
11	Юридик шахснинг юқори ташкилоти ва бирлашмаларини сақлашга ажратмалар	9420	6120
12	Банк ва аудиторлик хизматлари учун тўловлар	9430	6990
13	Асосий воситалар ва бошқа активларнинг чиқиб кетишидан заарлар	9430	9210, 9220
14	Айбдор шахсни аниқлаш имкони бўлмаган ҳолдаги камомадлар ва йўқотишлар	9430	5910
15	Шубҳали қарзлар бўйича захира ҳисобланди	9430	4910
16	Солиқ идоралари қарорига кўра жарима ҳисобланди	9430	6410
17	Корхона балансида бўлган олий ўкув юртларини сақлаш учун ажратмалар	9430	6110
18	Корхона ходимлари учун дам олиш уйлари ва санаторийларга йўлланмалар тўланди	9430	5110-5530
19	Бекор қилинган буюртмалар бўйича харажатлар ҳисобдан чиқарилди	9430	2010
20	Ўтган йиллар муомалаларидан кўрилган заарлар	9430	Олинадиган счёtlар
21	Хўжалик шартномаларини бузганлик учун жарималар	9430	6960
22	Маҳаллий транспортдан фойдаланиш учун йўл хужжатлари тўланди	9430	5110-5530
23	ТМЗнинг сотилиши бўйича баҳонинг камайиш натижалари ҳисобдан чиқарилди	9430	3190
24	Қўйидаги ишларда фойдаланилган асосий воситаларнинг эскириши ва номоддий активларнинг амортизацияси: а) янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш учун мўлжалланган ишга тушириш ишларида; б) оммавий ёки серияли ишлаб чиқаришга мўлжалланмаган янги технологик жараёнларни ўзлаштиришга хизмат кўрсатишда; в) қазиб олиш тармоқларида тайёргарлик ишларида.	9440	0210-0299, 0510-0590
25	Ҳисобот даври охирида давр харажатларини ҳисобга олувчи счёtlарнинг ёпилиши	9910	9410-9440

# **BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI**

**Хуноса.** “Тошкентдонмаҳсулотлари” акциядорлик жамияти томонидан уч ва ундан куп йил мобайнида ишлатилган асосий воситаларни сотишдан курилган заарлар ва бошка мулкини (активларни) сотишдан курилган заарлар, шунингдек, “Тошкентдонмаҳсулотлари” акциядорлик жамиятининг асосий воситалари бошка мулклари (активлари)нинг ҳисобдан чикарилиши, текин берилиши ва бошка йукотишлидаи курилган заарлар;

- хужалик шартномалари шартларининг, шу жумладан маҳсулотни етказиб берувчилар ва дебиторлар айби билан бузилганлиги учун белгиланган ёки эътироф этилган жарималар, пенялар, вактида туланмаган туловлар ва бошка хил чоралар, шунингдек етказилган заарларни тулаш буйича харажатлар;
- солик қонуни ва бошка конунларни бузганлик учун жарима ва пенялар;
- Бошка харажатлар.

Юкоридаги такидланган харажатлар 9430 "Бошка оиерацион харажатлар" счётида ҳисобга олинади.

9440-"Келгусида соликка тортиладиган базадан чегириладиган ҳисобот даври харажатлари" счётида ҳисобот даврида соликка тортиладиган базадан чегирилмайдиган, аммо ушбу тадбирларни амалга ошириш учун қилинган харажатларни режалаштирилган самарага эришилган холда келгуси ҳисобот даврларида соликка тортиладигаи базадан камайтириладиган харажатлар ҳисобга олинади. Ҳисобот даври охирида 9440-счётнинг дебетида йигилган харажатлар 9900-"Якуний молиявий натижа" счётига утказилади. 9440-счётининг дебетида ҳисобга олинган харажатлар балансдан ташкари 010- "Вактли тафовутлар буйича харажатлар" счётида йигиб борилади. Содир булган муомалалар суммасига 9440-счётнинг дебети билан бирга, 010-счётда хам ёзиб борилади. 010- счётнинг чикимиға ҳисобга олинган харажатлар бу тадбир учун сарфланган харажат ва ундан олинадиган самара муддатига қараб, тузилган маҳсус комиссия ҳисобига асосан ҳисобдан чиқарилганда ёзилади.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ибрагимов А., Очилов И., Қўзиев И., Ризаев Н., Молиявий ва бошқарув ҳисоби. Ўқув қўлланма. -Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2008. - 451 б.
2. Quvvatov G., Atamuratov A. R. FEATURES INFORMATION SYSTEM IN ACCOUNTING //International Scientific and Practical Conference World science. – ROST, 2017. – Т. 2. – №. 6. – С. 39-41.
3. Quvvatov G. MOLIYAVIY RESURSLARNING TAHLILI VA UNING KORXONA ISTIQBOLIDAGI ROLI //Iqtisodiyot va ta’lim. – 2023. – Т. 24. – №. 5. – С. 240-247.
4. Quvvatov, G., & Norquzivev, A. (2024). O'ZBEKISTONDA QO'SHILGAN QIYMAT SOLIG'I MA'MURCHILIGI AMALIYOTI, YUTUQLARI VA KAMCHILIKLARI, UNI SODDALASHTRISH VA TAKOMILLASHTIRISH YO'NALISHLARI . International Scientific and Practical Conference, 1(1), 4-<https://estjournalup.com/index.php/ijsaar/article/view/isa> (Original work published 2024)

## **BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI**

5. Quvvatov, G., & Norquziyev, A. (2024). 2023-YIL SOLIQ QONUNCHILIGIDAGI KIRITILGAN O'ZGARTISHLARNING DAVLAT BYUDJETIGA VA IQTISODIYOTGA TA'SIRI. International Scientific and Practical Conference, 1(1), <https://bestjournalup.com/index.php/ijsaar/article/view/sevi> (Original work published 2024)
6. Юлдашев, Ж. А. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МИЖОЗЛАР БИЛАН МУНОСАБАТЛАР ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШ УСУЛИНИ ТАКОМИЛАШТИРИШ.
7. Qlichev Baxtiyor Pardayevich. (2024). Xo'jalik yurituvchi subyektlarda CVP-tahlilni tashkil etishning muammoli jihatlari. YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT, 4 (2024), 754–759
8. Klichev Bakhtiyor Pardayevich. (2024). Problematic Aspects of Organizing Cvp-Analysis in the Enterprises of Uzbekistan // Web of Scientist: International Scientific Research Journal, 5(5), 241–248. Retrieved from <https://wos.academiascience.org/index.php/wos/article/view/4906>
9. Qlichev Baxtiyor Pardayevich. (2024). Korxonalarda operatsion faoliyat samaradorligini tahlil qilish masalalari. World Scientific Research Journal, 26(3), 86–94. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrt/article/view/3251>
10. Косимович, Я. У. (2024). Ташқи савдо фаолиятида мақбул ечимни топиш масалаларини таҳлили. World scientific research journal, 26(2), 199-205.
11. ҚЛИЧЕВ, . Б. П. (2022). ИШБИЛАРМОНЛИК ФАОЛЛИГИ ТАҲЛИЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ. Архив научных исследований, 2(1). извлечено от <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/373>
12. Choriev I.X. Auditorlik faoliyatida tahliliy amallarni takomillashtirish. Iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi avtoreferati. – Toshkent: «Iqtisod-moliya»nashriyoti, 2021, - 21-26 b.
13. Кличев, Б. (2023). Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми таҳлилини тақомиллаштириш масалалари. Направления развития благоприятной бизнес-среды в условиях цифровизации экономики, 1(01), 170–173. <https://doi.org/10.47689/TSUE2022-pp170-173>
14. Qlichev, B. (2024). Korxonalar faoliyatini rivojlantirishda operatsion faoliyat tahlilining zarurligi. Mintaqani ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning ustuvor yo'naliishlari, Konferensiya to'plami. Termiz, O'zbekiston. 15-iyun 2024-yil. <https://doi.org/10.5281/zenodo.11909171>
15. Yakupbaevich, I. J. ., Abrarovich, Y. J. ., Akhtamovich, H. S. ., & Bekmurodova. (2023). COMMERCIAL BANKING, CREDIT OPERATIONS, PROVISION OF COLLATERAL, ASSESSMENT MECHANISMS. FAN, TA'LIM, MADANIYAT VA INNOVATSIYA

# **BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI**

*JURNALI / JOURNAL OF SCIENCE, EDUCATION, CULTURE AND INNOVATION*, 2(4), 6–13. Retrieved from <https://mudarrisziyo.uz/index.php/innovatsiya/article/view/251>

16. Кличев Бахтиёр Пардаевич, (2023). Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми таҳлилини такомиллаштириш масалалари. Issues of improving the analysis of the volume of production at enterprises. ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ, 13(7), 42–49. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2782>

17. Abdullayev, A., & Djamatov, H. (2023). ORGANIZATIONAL STRUCTURE OF THE INTERNAL CONTROL SERVICE FOR THE FULFILLMENT OF TAX OBLIGATIONS OF ENTERPRISES. *Scientific and Technical Journal of Namangan Institute of Engineering and Technology*, 8(4), 297-307.

18. Худоёров О.О. (2023). Банк тизимини ракамлаштириш шароитида ракамли банк технологияларини жорий қилиш . ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ, 13(7), 99–107. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2788>

19. Xudoyorov, O. O. (2023). Bank daromadlarini oshirishda masofaviy bank xizmatlarini tutgan o ‘rni.

20. Odilovich, K. O. (2024). IMPACT OF REMOTE BANKING SERVICES ON BANK INCOME. *International Journal of Education, Social Science & Humanities*, 12(6), 82-86.

21. Majidov, J. K. (2019). Ways of improving management of credit portfolio at commercial banks. *International Journal of Research in Social Sciences*, 9(3), 725-736.

22. Мажидов Ж. (2024). Тижорат банклари активлар портфелларининг сифатини ошириш бўйича хориж тажрибаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари. (2024). *Ustozlar Uchun*, 1(4), 1463-1467. <https://pedagoglar.org/index.php/02/article/view/3878>